

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАТОВА ШАХНОЗА АБДУЖАЛИЛОВНА

**ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР КАСАЛЛИКЛАРДА ЭКСТРАПИРАМИДАЛ
БУЗИЛИШЛАРНИНГ КЛИНИК ПОЛИМОРФИЗМИ ВА ДАВОЛАШ
ОПТИМИЗАЦИЯСИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Маматова Шахноза Абдужалиловна

Цереброваскуляр касалликларда экстрапирамидал

бузилишларнинг клиник полиморфизми

ва даволаш оптимизацияси..... 3

Маматова Шахноза Абдужалиловна

Клинический полиморфизм и оптимизация

терапии экстрапирамидных нарушений при

цереброваскулярных заболеваниях..... 25

Mamatova Shakhnoza Abdujalilovna

Clinical polymorphism of extrapyramidal

disorders in cerebrovascular diseases and

optimization of therapy..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 52

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАТОВА ШАХНОЗА АБДУЖАЛИЛОВНА

**ЦЕРЕБРОВАСКУЛЯР КАСАЛЛИКЛАРДА ЭКСТРАПИРАМИДАЛ
БУЗИЛИШЛАРНИНГ КЛИНИК ПОЛИМОРФИЗМИ ВА ДАВОЛАШ
ОПТИМИЗАЦИЯСИ**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2768 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раимова Малика Мухамеджановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Рашидова Нилуфар Сафоевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Джурабекова Азиза Тохировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-28, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99871) 214-82-90).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Р.Ж. Матмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Б. Азизова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда цереброваскуляр патологиялар марказий нерв тизими касалликлари орасида кенг тарқалган бўлиб, шунингдек, ўлим ва ногиронлик кўрсаткичининг юқорилиги билан тавсифланади, бу унинг муҳим тиббий ва ижтимоий муаммо эканлигини англатади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотига кўра, «... неврологик асоратлардан юзага келган ногиронликни даволаш учун сарф этилган йиллар (DALY) сабаби ногиронликка олиб келадиган неврологик касалликлар ичида етакчиси, бу-цереброваскуляр касалликлардир. ЦВК оқибатида юзага келадиган ногиронлик, барча неврологик касалликлар оқибатида юзага келадиган ногиронликнинг 42,2%ини ташкил этади ва беморларнинг бевосита ҳаёт сифатига таъсир кўрсатади....¹. Миянинг сурункали ишемияси (МСИ) ва пўстлоқ ости ядролари соҳасида бош мияда қон айланишининг ўтқир бузилиши (БМҚАЎБ ишемик ёки геморрагик инсулт)ни ўтказган беморларнинг катта қисмида, ҳаракат бузилишларининг мавжуд ёки йўқлигидан қатъий назар, маълум вақт ўтгач, турли даражадаги экстрапирамидал бузилишлар ривожланади.

Жаҳонда цереброваскуляр касалликларнинг олдини олиш билан бир қаторда уларнинг эрта ва кечки асоратларини олдини олиш, эрта ташхислаш, самарали даво усулларини ишлаб чиқиш билан билан бир қаторда ижтимоий-иқтисодий ва маиший омилларга ҳам катта аҳамият берилмоқда. ЦВКнинг беморларда эрта ногиронликка олиб келадиган ва ҳаёт сифатига яққол таъсир қиладиган асоратларидан бири бўлган экстрапирамидал бузилиш (ЭПБ)ларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. ЦВК фонида ривожланган ЭПБларни тарқалиш даражаси, уларнинг этиологик ва патофизиологик хусусиятлари, ташхислашдаги патогенетик-биокимёвий текширувларнинг замонавий турлари йиллар давомида такомиллашиб келаётганини кўришимиз мумкин. Юқорида таъкидланган клиник тадқиқотлар ЭПБларнинг илк белгилариданок ташхислашнинг аҳамияти, касаллик сифатида авж олиб кетишини, ҳаёт сифатининг бузилиши ва оқибатида қисқа вақт оралиғида ногиронликнинг ривожланишини олдини олишга катта эътибор қаратилган. Шу ўзгаришларга монанд ҳолда даволашни оптималлаштиришга қаратилган даво чоратадбирларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида касалликни эрта аниқлаш, тўғри ташхис ва даво муолажаларини олиб бориш чора-тадбирлари ташкил этилмоқда. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида «аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш,

¹ <https://apps.who.int/gb/ebwha/> Етмиш бешинчи жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеяси А75/10 Add.4 Пункт 14. 27 апрел 2022 й кун тартиби.

патронаж хизмати ва диспансеризасиянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»² га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда цереброваскуляр касалликлар фонида ривожланган экстрапирамидал бузилишларни ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий ёрдам даражасини янги поғонага кўтариш учун аҳоли ўртасида профилактика чора тадбирларини олиб боришга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 30 августдаги ПҚ-3925-сон «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда цереброваскуляр касалликлар бутун дунёда жуда муҳим муаммо ҳисобланиб, улар оқибатида юзага келаётган асоратлар ҳажми хилма хиллиги ва кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Ушбу мавзу бўйича адабиётларда ЦВКдан кейин юзага келган ЭПБлар ривожланиш механизмлари, эрта тасхишлаш ва даволаш усулларига бағишланган кўплаб тадқиқотлар мавжуд. Терапевтик ёндашувларни оптималлаштириш ва ЦВК шакли ва кечишига боғлиқ ҳолда ЭПБлар ривожланишининг патогенетик механизмларини ўрганишга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: National Institute of Neurological Disorders and Stroke (Буюк Британия), Parkinson's Disease Center and Movement Disorders Clinic, Department of Neurology (АҚШ), Центр экстрапирамидных и когнитивных расстройств (Россия Федерацияси), Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент давлат стоматология институти (Ўзбекистон)да олиб борилган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармони.

Тадқиқотларнинг асосий қисми ЦВКдан кейин юзага келган ЭПБлар ривожланишининг патофизиологик механизмларига қаратилган (Mehanna R., et al., 2019, Alarcón F., et al., 2019). ЭПБ юзага келишида нафақат базал ганглийлар, балки нейронал боғланишлар дисфункцияси ҳам сабабчи омил бўлиши мумкинлигини (Ghika J., et al., 2018), ЦВКда базал ганглийлар зараланиши натижасида ривожланган ЭПБлар мавжуд беморларда когнитив ва психоэмоционал бузилишлар хусусиятларини (Jinse Park Joong 2016, Левин О.С. 2020) ўрганган. Sanjay Pandey (2018) таламус инфарктидан кейин юзага келган ЭПБ структурасини тадқиқ этган бўлса, даволашда нейропротектив терапия ҳам аҳамиятли эканлигини кўрсатган (Е.А. Катунина ва ҳаммуаллифлар, 2016). Фармакологик терапиядан ташқари, нофармакологик даволаш усуллари ҳам фаол тадқиқ этилмоқда. Жумладан, жисмоний терапия ва транскраниал магнит стимуляцияси айрим ҳолатларда самарали эканлиги аниқланган (К.А. Мајор ва ҳаммуал., 2019). Бироқ, бу усулларнинг самарадорлигини тўлиқ тасдиқлаш кўшимча тадқиқотлар талаб этилади. ЦВКлар фонидаги ЭПБларни даволашда янги ёндашувлар орасида биологик фаол моддалар ва нейротоксинлардан фойдаланиш ҳам ўрганилмоқда. Масалан, ботулинотоксинни қўллаш бўйича тадқиқотлар ҳаракат бузилишларини камайтиришда потенциал фойдаларини кўрсатган (С.Л. Тимербаева ва ҳаммуал., 2018). Бироқ, бу натижалар ҳали якуний эмас ва уларни тасдиқлаш учун кўшимча изланишлар талаб этилади.

Республикамиздаги олимлардан Г.С. Рахимбаева, Д.Т. Акрамова васкуляр паркинсонизмга олиб келувчи омилларни таҳлил қилган бўлса, М.М. Раимова (2017) ўзбек миллатига мансуб бўлган инсонларда Паркинсон касаллиги ва васкуляр паркинсонизмнинг клиник ва дифференциал-диагностик хусусиятларини очиқ бериш ҳамда уларнинг ривожланишида молекуляр-генетик полиморфизмнинг ролини аниқлаган. Матмуродов Р.Ж. (2017) тадқиқоти экстрапирамидал касалликларнинг клиник-неврологик, биокимёвий хусусиятларини таҳлил қилиш ва уларни эрта аниқлаш мезонлари масаларига бағишланган. М.М. Раимова., С.А. Алихонов (2024) Паркинсон касаллигининг турли босқичларини даволашда транскраниал магнит стимуляциясининг аҳамиятини ўрганишган.

Маълумотларни сарҳисоб қиладиган бўлсак, шуни айтиш керакки, ЦВК фонида ривожланган ЭПБларни ўрганишда сезиларли ютуқларга қарамай, беморларнинг даволаш натижаларини яхшилаш учун эрта ташхис қўйиш ва самарали терапия усуллари билан боғлиқ ҳал қилинмаган муаммолар қолмоқда. Ҳозирги тадқиқотлар ЦВКда ривожланган ЭПБларнинг ривожланиш механизмлари бўйича кенг маълумотларни тақдим этсада, самарали терапевтик ёндашувларни ишлаб чиқиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш масалалари бўйича тадқиқотларни давом эттириш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №011900252-сон «Неврологик

касалликлари бўлган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитация қилиш усулларини такомиллаштириш (2021-2024 йй.)» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади цереброваскуляр касалликлар фонида ривожланган экстрапирамидал бузилишларни анамнестик, клиник-неврологик, когнитив, лаборатор ва нейровизуализацион хусусиятларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва даво чораларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

цереброваскуляр касалликлар (ЦВК) фонида ривожланган экстрапирамидал бузилишларнинг клиник шакллари аниқлаш, уларнинг ёшга, жинсга ва ЦВК турига боғлиқлигини таҳлил қилиш;

қонда биокимёвий маркерлар (S100, эндотелин-1 ва томир эндотелийси ўсиш фактори (VEGF)ни аниқлаш орқали ЭПБларнинг шакли ва кечишига коррелятив боғлиқлигини аниқлаш;

ЦВК фонида ривожланган экстрапирамидал бузилишларнинг клиник ва нейровизуализацион кўрсаткичларининг коррелятив боғлиқлигини аниқлаш;

ЦВК фонида ривожланган экстрапирамидал бузилишлар бўлган беморларда психо-эмоционал бузилиш ҳолатларни таҳлил қилиш ва таққослаш;

ЦВК фонида ривожланган экстрапирамидал бузилишлар бўлган беморларнинг даво чораларини оптималлаштириш мақсадида ганглиозид препаратининг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқот Тошкент Тиббиёт Академияси Кўп тармоқли клиникаси неврология бўлимида 2021-2025 йиллар стационар даволанган ва кейинчалик амбулатор назоратда бўлган бўлган 45 ёшдан 85 ёшгача бўлган 133 нафар беморларда ўтказилди. Шу билан бир қаторда 20 нафар соғлом кўнгилли шахслар назорат гуруҳи сафатида тадқиқотга жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предмети клиник неврологик текширув, шкалалар ва анкеталар (UPDRS, CRST, MMSE, FAB, HADS, SF36) ёрдамида неврологик дефицитни ва ҳаёт сифатини баҳолашдан иборат. Клиник, нейровизуализацион ва нейрофизиологик текширув хулосалари ва биокимёвий текширув учун беморларнинг қон зардоби намуналари олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Цереброваскуляр касалликлар фонида ривожланган экстрапирамидал бузилишлар структурасини аниқлаш ва терапиясини такомиллаштиришда клиник, инструментал, биокимёвий ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

цереброваскуляр патология фонидаги экстрапирамидал бузилишларда яққол клиник полиморфизм кузатилиб, бу бузилишлар кўпинча жиддий когнитив ва психоэмоционал ўзгаришлар билан бирга кечиши натижасида беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари билан тўғри корреляцион боғлиқлиги аниқланган;

биокимёвий маркерлар - эндотелин-1, S-100 оқсили ва VEGF миқдори даражаларининг цереброваскуляр касалликларда экстрапирамидал

бузилишлар мавжуд беморларда экстрапирамидал бузилишларларнинг оғирлиги ўртасида тўғридан-тўғри корреляцион боғлиқлик, шунингдек, ушбу беморларда биомаркерлар даражаси билан когнитив кўрсаткичлар ўртасида тескари корреляцион боғлиқлиги аниқланган;

цереброваскуляр касалликларда экстрапирамидал бузилишларга эга бўлган беморларда нафақат пўстлоқ ости ядроларининг зарарланиши балки бош миёдаги бошқа структураларнинг зарарланишида ҳам экстрапирамидал бузилишларнинг ривожланиши мумкинлиги исботланган;

цереброваскуляр касалликларда экстрапирамидал бузилишлар мавжуд бўлган беморларни даволашда комплекс терапиясига киритилган моносиалотетрагексозилганглиозиднинг юқори самарадорлиги касаллик прогрессияси секинлашиши ва симптомлар интенсивлигининг пасайиши билан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

цереброваскуляр касалликларда экстрапирамидал бузилишларни беморларда ривожланиш хавфини белгилайдиган турли омилларга кўра-клиник, нейровизуализация ва лаборатория маълумотларини дифференциялашган ҳолда баҳолаш таклиф этилган;

цереброваскуляр касалликларда экстрапирамидал бузилишларнинг беморларда клиник намоён бўлишини ва психо-эмоционал ҳамда когнитив бузилишларнинг ривожланишини башорат қилиш маркерларини аниқлаш тавсия қилинган;

цереброваскуляр патологияга чалинган беморларда экстрапирамидал бузилишларни даволаш учун самарали усул комплекс давога моносиалотетрагексозилганглиозид препаратининг кўшилиши терапия самарадорлигининг ошиши билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, инструментал, биокимёвий ва статистик усуллар асосида ЦВКлар фонида ривожланган ЭПБларнинг диагностикаси ва терапиясини такомиллаштиришнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотчиларнинг тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти цереброваскуляр касалликлар даврида экстрапирамидал бузилишларнинг тарқалишини ўрганиш натижасида функционал бузилишларнинг намоён бўлиш даражаси, экстрапирамидал бузилишларнинг турларини эрта дифференциал диагностика қилиш ва даволаш усулларининг босқичма-босқич алгоритми ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар клиник амалиётда экстрапирамидал бузилишларни эрта аниқлаш ва даволаш

самарадорлигини оширади. Қўлланилаётган клиник-функционал мезонлар функционал бузилишлар даражасини баҳолаш, ҳаракатга доир ва номотор клиник белгилари бўйича тиббий-ижтимоий таҳлил ўтказиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Цереброваскуляр касалликларда экстрапирамидал бузилишлар мавжуд беморларда диагностикаси ва терапиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: цереброваскуляр патология фонидagi экстрапирамидал бузилишларда кузатилган яққол клиник полиморфизм ва бу бузилишлар оқибатида ривожланган жиддий когнитив ва психоэмоционал ўзгаришларни баҳолашга қаратилган диагностика стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институтининг 2024 йил 5 декабрдаги 3 сонли кенгаши қарори 461/АҒ билан тасдиқланган “Цереброваскуляр касалликлар фонидagi экстрапирамидал бузилишларнинг клиник-неврологик хусусиятлари” номли ҳамда Тошкент давлат стоматология институтининг 2024 йил 5 декабрдаги 3 сонли кенгаши қарори 461/АҒ билан тасдиқланган “Инсулт ўтказган беморларда экстрапирамидал бузилишларни баҳолаш ва даволашни оптималлаштириш” номли услубий тавсияномалари мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Миллий тиббиёт марказида 01.02.2025 йилдаги ОI -03/10-сон ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонасида 23.01.2025 йилдаги 01-34-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* таклиф этилаётган усул ҳаёт сифатини яхшилаш, реабилитация жараёнларини такомиллаштириш шунингдек, ногиронлик даражасини камайтириш қаратилган. *Иқтисодий самарадорлик:* стационар шароитда даволанаётган цереброваскуляр патология фонидa ЭПБ мавжуд беморларда касалликни эрта ташхислаш алгоритминини яратиш ва бунинг мезонида эрта даволаш чора-тадбирларининг олиб борилиши касалликни авж олиш даврларини олдини олиш, когнитив ва психоэмоционал ҳолатнинг яхшиланиши, тиббий хизматнинг нархи камайиши туфайли 1530000 сум иқтисод қилинади. *Хулоса:* когнитив ва психоэмоционал бузилишлари бор беморлар бир йил давомида 2 маротаба 10 кун давомида касалхонада даволаниши лозим. Бунда ҳар бир бемор учун тежаладиган харажат 765200 минг сўмни ташкил этади. Олиб борилган диагностик ва даволаш мақсадидаги чора тадбирлар стационар даволашнинг йилик харажатини икки баробарга қисқартиради.

иккинчи илмий янгилик: биокимёвий маркерлар - эндотелин-1, S-100 оксигени ва VEGF миқдорининг динамикаси бош мия тузилмалари ва асаб толаларининг шикастланиш даражаси, антиоксидант ҳимоя фаоллиги цереброваскуляр патология (ЦВК) фонидagi ЭПБларнинг оғирлик даражаси, когнитив ва психоэмоционал бузилишларнинг патофизиологик механизмларини очиш тартиби асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институтининг 2024 йил 5 декабрдаги 3 сонли кенгаши қарори 461/АҒ билан тасдиқланган “Цереброваскуляр касалликлар фонидagi экстрапирамидал бузилишларнинг клиник-неврологик

хусусиятлари” номли ҳамда Тошкент давлат стоматология институтининг 2024 йил 5 декабрдаги 3 сонли кенгаши қарори 461/АФ билан тасдиқланган “Инсулт ўтказган беморларда экстрапирамидал бузилишларни баҳолаш ва даволашни оптималлаштириш” номли услубий тавсияномалари мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Миллий тиббиёт марказида 01.02.2025 йилдаги 01-03/10-сон ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонасида 23.01.2025 йилдаги ОI-34-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* таклиф этилаётган усул касалликнинг даврларига мос равишда даволаш тактикасини танлаш, касалликнинг авж олишини камайтиришга, беморларнинг саломатлигини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлик:* стационар шароитда даволанаётган цереброваскуляр патология фонида ЭПБ мавжуд беморларда касаллик симптомларининг бошланғич давридаёқ ташхислаш алгоритми ва қон биомаркерлари асосида, дифференциаллашган ҳолда ташхисни қўйишга ва ногиронликни жадаллашишини олидини олишга хизмат қилади. *Хулоса:* бунинг мезонида эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларининг ўз вақтида олиб борилиши ва тўғри танланиши касалликнинг авж олиш олдини олиб, касаллик белгиларининг камайиши ва шу тариқа ўлим, ногиронлик кўрсаткичларини, стационарда даволаниш муддатларини камайтиради, молиявий харажатларни қисқартиради.

учинчи илмий янгилик: цереброваскуляр касалликлар фонидаги экстрапирамидал бузилишларга эга бўлган беморларда исботланган клиник нейровизуализацион хусусиятлари мавжудлиги диагностикада индивидуаллашган ёндашувнинг афзаллиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институтининг 2024 йил 5 декабрдаги 3 сонли кенгаши қарори 461/АФ билан тасдиқланган “Цереброваскуляр касалликлар фонидаги экстрапирамидал бузилишларнинг клиник-неврологик хусусиятлари” номли ҳамда Тошкент давлат стоматология институтининг 2024 йил 5 декабрдаги 3 сонли кенгаши қарори 461/АФ билан тасдиқланган “Инсулт ўтказган беморларда экстрапирамидал бузилишларни баҳолаш ва даволашни оптималлаштириш” номли услубий тавсияномалари мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Миллий тиббиёт марказида 01.02.2025 йилдаги ОI -03/10-сон ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонасида 23.01.2025 йилдаги 01-34-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* таклиф этилаётган усул касалликнинг даврларига мос равишда даволаш тактикасини танлаш, касалликнинг авж олишини камайтиришга, беморларнинг саломатлигини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлик:* цереброваскуляр патология фонида ЭПБ мавжуд беморларда эрта даврларидаёқ дифференциаллашган ҳолда ташхислаш алгоритминини яратиш ҳамда тиббий ёрдам кўрсатишда молиявий харажатларни камайтириш, беморларни тиббиёт ходимларига такрорий ташрифини қисқартириш имконини берди. *Хулоса:* касалликнинг эрта даволаш чора-тадбирларининг олиб борилиши касалликни ривожланиб

кетишини олдини олиш ва симптомларнинг камайиши ёки бартараф этилишига эришиш орқали тиббий хизматнинг нархи камаяди, шу туфайли 1 нафар беморга 1530000 сўм бюджет маблағидан иқтисод қилинади.

тўртинчи илмий янгилик: цереброваскуляр касаллик фонида экстрапирамидал бузилишлар мавжуд бўлган беморларнинг комплекс терапиясига моносиалотетрагексозилганглиозиднинг киритилганлиги, қиёсий самарадорлиги баҳоланганлиги ва унинг бошқа усуллардан устунлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат стоматология институтининг 2024 йил 5 декабрдаги 3 сонли кенгаши қарори 461/АҒ билан тасдиқланган “Цереброваскуляр касалликлар фонидаги экстрапирамидал бузилишларнинг клиник-неврологик хусусиятлари” номли ҳамда Тошкент давлат стоматология институтининг 2024 йил 5 декабрдаги 3 сонли кенгаши қарори 461/АҒ билан тасдиқланган “Инсулт ўтказган беморларда экстрапирамидал бузилишларни баҳолаш ва даволашни оптималлаштириш” номли услубий тавсияномалари мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Миллий тиббиёт марказида 01.02.2025 йилдаги 01-03/10-сон ва Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматика шифохонасида 23.01.2025 йилдаги ОI-34-сон буйруқлари билан амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлик:* таклиф этилаётган усул касалликнинг барча босқичларида даволашни оптималлаштириш ҳамда беморларда ногиронлик даражасини камайтириш ва уни олдини олишга қаратилган. *Иқтисодий самарадорлик:* стационар шароитда даволанаётган цереброваскуляр патологияси фонида ривожланган экстрапирамидал бузилиши мавжуд беморларда оптималлашган даво чора-тадбирларининг олиб борилиши касаллик симптомларининг камайиши ёки регрессиясини таъминланиши натижасида тиббий хизмат нархининг камайиши туфайли 8200000 сўм иқтисод қилинади. *Хулоса:* цереброваскуляр патологияси фонида ривожланган экстрапирамидал бузилиши мавжуд беморларда даволашнинг оптималлаштирилган усулини қўллаш беморлар неврология бўлимларида бўлганда бюджет маблағларининг тежалишига олиб келди. Касалликнинг даволаш муддати 2 баробаргача қисқариб, бюджет маблағларининг тежалиши хар 1 беморга нисбатан 1640000 сўмни иқтисод қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотни республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Цереброваскуляра касалликларда экстрапирамидал бузилишлар хусусиятларининг замонавий талқини (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлил қилинди, муаммонинг ҳозирги ҳолати ўрганилди ва ЦВКлар фонида ривожланадиган ЭПБлар ҳақида кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар берилди. ЦВКлар фонида ривожланадиган ЭПБлар патофизиологияси (ривожланиш механизмлари) назарий ва услубий асослари кўриб чиқилди, касалланиш ва ногиронлик кўрсаткичлари бўйича статистик маълумотлар, клиник шакллариининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш механизмлари келтирилган. ЦВКлар фонида ривожланадиган ЭПБларни эрта ташхислаш ва баҳолашда биомаркерларнинг потенциал ўрни ҳақидаги янги маълумотлар ва қўлланиладиган даволаш усуллари ҳақида маълумотлар ҳам муҳокама қилинади.

Диссертациянинг **«Цереброваскуляра касалликларда экстрапирамидал бузилишларни баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материалини ташкил этган ўрганилаётган беморларнинг хусусиятлари ва ЦВКларда ЭПБни ўрганишда қўлланилган усуллар билан боғлиқ масалаларга бағишланган. Клиник маълумотларни таҳлил қилиш орқали БМҚАЎБ ва МСИ билан оғриган беморларда ЭПБнинг ривожланиши ва кечишининг асосий қоидалари аниқланди, шунингдек, диагностика учун оптимал усуллар белгиланди.

Тадқиқот Тошкент тиббиёт академияси Кўп тармоқли клиникасининг неврология бўлимида ўтказилди. Тадқиқотда цереброваскуляра патологияси бўлган 133 нафар бемор иштирок этди. Белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш учун беморлар икки гуруҳга ажратилди: биринчи гуруҳ ЦВКда ЭПБлар мавжуд бўлган 83 нафар беморларни, иккинчи гуруҳ эса фақат ЦВК бўлган ва ЭПБлар мавжуд бўлмаган 50 нафар беморни ўз ичига олди.

Ҳар бир гуруҳ цереброваскуляра патологиянинг турига (ўткир ёки сурункали) қараб 2 та кичик гуруҳларга ажратилган. Шунингдек, тадқиқотда 20 нафар соғлом кўнгилли (назорат гуруҳи) иштирок этди. Такдим этилган жадвалга (1-жадвал) асосан, ёш гуруҳлари ва жинсни солиштириш натижалари берилган. Энг ёш беморлар – асосий гуруҳдаги БМҚАЎБ (ўртача $62,1 \pm 5,8$ йил) ва назорат гуруҳдаги беморлар (ўртача $65 \pm 3,8$ йил), энг катта

ёшли беморлар эса асосий гуруҳдаги МСИ бўлган беморларга тегишли (ўртача 69,4±6,7 йил).

1-жадвал

Беморларни ёш ва жинс бўйича тақсимланиши

Кўрсаткич	Мезонлар	Гуруҳлар				
		БМҚАЎБ ЭПБ билан	МСИ ЭПБ билан	БМҚАЎБ ЭПБсиз	МСИ ЭПБсиз	Назорат гуруҳи
Ёш гуруҳи	60 ёшгача	16 (35,6)	8 (21,1)	9 (30,0)	2 (10,0)	3 (15,0)
	61-70 ёш	25 (55,6)	18 (47,4)	19 (63,3)	12 (60,0)	15 (75,0)
	71-80 ёш	4 (8,9)	12 (31,6)	2 (6,7)	6 (30,0)	2 (10,0)
Жинс	Эркак	20 (44,4)	18 (47,4)	13 (43,3)	9 (45,0)	8 (40,0)
	Аёл	25 (55,6)	20 (52,6)	17 (56,7)	11 (55,0)	12 (60,0)

Клиник маълумотларнинг таҳлили ишемик инсултнинг (71,1%) геморрагик инсултдан (28,9%) сезиларли даражада кўпроқ учраганини кўрсатди. ЭПБга эга беморларда лейкоареоз ўчоғи кўпроқ пўстлоқ ости тузилмаларда локализацияланган (57,8%) бўлса, ЭПБлар бўлмаган гуруҳда эса пўстлоқнинг зарарланиш устунлик қилган (66,7%). Ҳамроҳ касалликлар орасида энг кўп тарқалганлари гипертензия (82,7%), церебрал атеросклероз (73,7%) ва қандли диабет (35,3%) бўлди.

Экстрапирамидал бузилишларнинг клиник шакллари БМҚАЎБ ва МСИ беморларида энг кўп ривожланган симптомлар қуйидагича кузатилди: дистония (33,7%), васкуляр паркинсонизм (25,3%), тремор, хорей ва безовта оёқлар синдроми (12% дан).

Барча беморларда комплекс текширув ўтказилди, унга клинко-неврологик таҳлил (шикоятларни баҳолаш, жисмоний ва вегетатив ҳолат, ҳаракат бузилишларининг таҳлили) киради. Экстрапирамидал бузилишларни баҳолаш халқаро меъёрларга мувофиқ амалга оширилди: UPDRS шкаласининг III қисми – мотор бузилишларни баҳолаш учун, GDRS (Global Dystonia Rating Scale) ва GHS (Groschel Hemifacial Spasm Scale) – дистонияларни баҳолаш шкаласи, CRST – треморни баҳолаш шкаласи; Шунингдек, психоневрологик текширув, вахима ва депрессияни баҳолаш учун хавотир ва депрессиянинг госпитал шкаласи (HADS), когнитив ҳолатни баҳолаш учун MMSE, Пешона дисфункциясини баҳолаш тести-The Frontal Assessment Battery (FAB) ва Луриянинг 10 та сўз тести, уйқу сифтини аниқлашда SATED ва Ерworth ҳамда ҳаёт сифати SF-36 шкаласи орқали ўрганилди. Нейровизуализацион диагностика бош мия МРТни ўз ичига олди, унда бош миядаги ўчоқлар ва атрофик ўзгаришлар ҳамда перивентрикулр гиперинтенсивлик даражаси таҳлил қилинди.

Статистик маълумотларни таҳлил қилишда параметрик ва нопараметрик усуллар қўлланилди: гуруҳлар орасидаги фарқларни текшириш учун Стьюдент, Манн-Уитни ва Краскел-Уоллис критерийлари; параметрлар ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш учун Спирменнинг корреляция таҳлили; категорияли маълумотларни текшириш учун Пирсоннинг χ^2 ва Фишер критерийлари ишлатилди.

Олинган натижалар кейинги терапия усулларининг самарадорлигини тахлил қилишда асос бўлиб хизмат қилади, бу эса БМҚАЎБ ва МСИ беморларида ЭПБлар терапиясини оптималлаштириш имкониятини беради. Шундай қилиб, иккинчи боб тадқиқот методологиясини асослаб, экстрапирамидал бузилишларни диагностика қилишда комплекс ёндашувнинг аҳамиятини тасдиқлайди ва кейинги бобларда клинко-неврологик бузилишлар ҳамда терапевтик ёндашувларни тахлил қилиш учун замин яратади.

Диссертациянинг «**Цереброваскуляр патологияга эга беморларда экстрапирамидал бузилишларнинг хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида цереброваскуляр патологияга эга беморларда экстрапирамидал бузилишларнинг клинко-неврологик хусусиятлари баён этилган. Тадқиқот доирасида асосий экстрапирамидал бузилишлар шакллари, уларнинг клиник кўринишлари, ривожланиш динамикаси, цереброваскуляр патология билан боғлиқлиги ҳамда ҳамроҳ когнитив ва психоэмоционал бузилишлар ўрганилган.

Васкуляр паркинсонизм билан 21та беморда аниқланди (25,3%), уларнинг ўртача ёши $65,0 \pm 5,1$ йилни ташкил қилди, шунингдек, эркакларнинг аёлларга нисбатан устунлиги кузатилди (57,1%). Касаллик давомийлиги 1 дан 8 йилгача ўзгариб, ўртача $4,0 \pm 2,5$ йилни ташкил этди, ва давомийлик билан оғирлик ўртасида статистик жиҳатдан муҳим боғлиқлик аниқланди ($r_{xy} = 0,626$; $p = 0,002$). Кўп ҳолатларда (57,1%) васкуляр паркинсонизм мия сурункали ишемияси фонида ривожланган, 42,9% беморларда эса инсултдан сўнг, асосан ишемик инсулт натижасида ривожланган (77,8%).

Неврологик текширувда 100% беморларда гипокинезия аниқланган, 95,2%ида мушак ригидлиги ва 95,2%ида постурал нотурғунлик кузатилган. Тинч ҳолатдаги титроқ 33,3% беморларда қайд этилиб, бунда бир томонлама вариант 9,5% ҳолларда, икки томонлама эса 14,3% ҳолларда учраган. Касалликнинг бошланғич белгиларига оид шикоятлар орасида энг кўп учрайдиганлари юриш бузилишлари (38,1%), ҳаракатлар координациясининг бузилиши (28,6%), брадикинезия (19,0%) ва титроқ (14,3%) бўлган (2-жадвал).

2-жадвал

Васкуляр паркинсонизмга эга беморларда экстрапирамидал бузилишлар

Кўрсаткичлар	Жами	Гуруҳ		p
		БМҚАЎБда	МСИда	
Симптомларнинг асимметрияси	12 (57,1%)	8 (88,9)	4 (33,3)	0,024*
Гипокинезия	21 (100%)	9 (100,0)	12 (100,0)	>0,05
Мушак ригидлиги	20 (95,2%)	9 (100,0)	11 (91,7)	>0,05
Гипомимия	15 (71,4%)	7 (77,8)	8 (66,7)	>0,05
«Тишли ғилдирак» феномени	6 (28,6%)	3 (33,3)	3 (25,0)	>0,05
Тинч ҳолатдаги титроқ	7 (33,3%)	5 (55,6)	2 (16,7)	0,159
-бир томонлама	4 (9,5%)	4 (44,4)	0 (0,0)	0,021*
-икки томонлама	3 (14,3%)	1 (11,1)	2 (16,7)	>0,05
Постурал титроқ	17 (80,9%)	7 (77,8)	10 (83,3)	>0,05

*- кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли ($p < 0,05$)

Дистония 28 нафар беморда (33,7%) аниқланган, уларнинг ўртача ёши $64,6 \pm 8,1$ ёшни ташкил этган. Касаллик кўпроқ аёлларда (64,3%) учраган. Энг кўп тарқалган шакллар юз гемиспазми (42,9%), блефароспазм (28,6%) ва оромандибуляр дистония (28,6%) бўлган. Дистония беморларнинг 50%ида БМҚАЎБдан сўнг, 50%ида эса мианинг сурункали ишемияси фонида ривожланган.

Бошқа экстрапирамидал бузилишлар (хорея, тремор, миоклония, БОС) 34 беморда (41,0 %) аниқланди. Хорея 10 беморда (29,4%) кузатилди ва уларнинг 90 % БМҚАЎБ дан сўнг ривожланган. Тремор эса 10 беморда (29,4%) аниқланди, улардан 70 % инсултдан кейин юзага келган. БОС 10 беморда (29,4 %) тасдиқланди, ушбу ҳолатларнинг 60 % мианинг сурункали ишемияси (МСИ) билан боғлиқ. Миоклония 4 беморда (11,8 %) кузатилди, улар тенг миқдорда МСИ ва БМҚАЎБ фонида ривожланган (3-жадвал).

3-жадвал

Бошқа ЭПБ билан беморларнинг характеристикаси

Кўрсаткич	Мезонлар	Ташхис				p
		Тр	Хор	МК	БОС	
ЦВК	БМҚАЎБ	7 (70,0)	9 (90,0)	2 (50,0)	4 (40,0)	0,113
	МСИ	3 (30,0)	1 (10,0)	2 (50,0)	6 (60,0)	
Ёш гуруҳи	60 ёшгача	4 (40,0)	1 (10,0)	0 (0,0)	5 (50,0)	0,200
	61–70 ёш	6 (60,0)	6 (60,0)	3 (75,0)	4 (40,0)	
	71–80 ёш	0 (0,0)	3 (30,0)	1 (25,0)	1 (10,0)	
Жинси	Эркак	8 (80,0)	4 (40,0)	1 (25,0)	3 (30,0)	0,089
	Аёл	2 (20,0)	6 (60,0)	3 (75,0)	7 (70,0)	

Экстрапирамидал бузилишлар билан оғриган беморларнинг аксариятида когнитив функцияларнинг пасайиши кузатилди. Деярли барча васкуляр паркинсонизм синдроми бўлган беморлар турли когнитив бузилишларга шикоят қилган, биринчи навбатда, хотира ва диққатнинг бузилиши қайд этилган. Ушбу гуруҳи доирасида энг кўп учрайдиган ҳолат - деменция олди когнитив бузилишлар бўлиб, улар 76,2% беморларда аниқланган. Енгил деменция 14,3%, ўртача даражадаги деменция эса 4,8% беморларда ташхисланган. Ушбу гуруҳда MMSE (Mini-Mental State Examination) бўйича ўртача балл $24,3 \pm 2,6$ ни ташкил этди, бу эса солиштирма гуруҳ (MMSE ўртача $26,6 \pm 2,7$ балл) билан таққослаганда статистик жиҳатдан ишончли фарқни кўрсатди ($p < 0,05$).

Дистония билан оғриган беморлар гуруҳида деменция олди когнитив бузилишлар 46,4% ҳолларда, енгил деменция 17,9% ҳолларда, ўртача деменция эса 7,1% ҳолларда аниқланган. Бошқа экстрапирамидал бузилишлар гуруҳида эса когнитив функцияларнинг энг яққол пасайиши хорея билан оғриган беморларда қайд этилган (MMSE $22,3 \pm 2,6$), энг кам даражадаги


пасайиш эса безовта оёқлар синдроми билан оғриган беморларда кузатилган (MMSE $25,5 \pm 2,5$).

Экстрапирамидал синдромли беморларнинг аксарият қисмида психоэмоционал бузилишлар аниқланди. Паркинсонизм гуруҳида HADS шкаласи бўйича депрессив бузилишлар 96,4% беморларда қайд этилди, шундан субклиник депрессия – 57,1% ва клиник депрессия – 38,1%. Хавотир бузилишлар эса 84,7% ҳолларда кузатилди. Дистония гуруҳида ҳам хавотир-депрессив бузилишлар кенг тарқалган: субклиник депрессия 42,9%, клиник депрессия 53,6%, хавотир бузилишлари 89,7% ташкил этди. Бошқа экстрапирамидал бузилишлар гуруҳида энг юқори хавотир ва депрессия даражаси хорез беморларида қайд этилди (HADS-D $12,8 \pm 3,0$; HADS-A $11,2 \pm 2,6$).

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, цереброваскуляр патологиядаги экстрапирамидал бузилишлар ёрқин клиник полиморфизмга эга бўлиб, сезиларли когнитив ҳамда психоэмоционал бузилишлар билан кечади. Васкуляр паркинсонизм кўпинча эркакларда кузатилиб, МСИ фониди ривожланади ва гипокинезия, ригидлик ҳамда постурал бузилишларнинг бирикмасидан иборат. Дистония эса асосан аёлларда учрайди ва фокал шакллари устунлик қилади. Бошқа экстрапирамидал синдромлар, масалан хорез ва тремор, кўпроқ БМҚАЎБдан сўнг ривожланса, БОС миянинг сурункали ишемиясига боғлиқдир. Барча ЭПБ шаклларида когнитив функцияларнинг сезиларли даражада пасайиши, ҳамда аҳамиятли даражадаги депрессив ва хавотир бузилишлари билан кечади, бу эса комплекс ташхис ва индивидуаллаштирилган даволаш стратегиясини талаб этади.

Диссертациянинг **“Цереброваскуляр касалликларда экстрапирамидал бузилишлар кечишининг таққослама хусусиятлари”** деб номланган тўртинчи бобида цереброваскуляр касалликлар (ЦВК) бўлган беморларда экстрапирамидал бузилишлари (ЭПБ) нинг кечишига доир қиёсий таҳлилга бағишланган бўлиб, унда клиник, инструментал ва биокимёвий хусусиятлар камраб олинган. Тадқиқотда экстрапирамидал синдромларининг ривожланишидаги вақтга доир қонуниятлар, инсулт тури ва локализацияси билан боғлиқлиги, когнитив ва психоэмоционал бузилишлар, шунингдек, нейровизуализация ва биокимёвий патология маркерлари ўрганилган.

Вақтга оид хусусиятларни таҳлил қилиш шундан далолат бердики, дистония ва хорез энг эрта намоён бўладиган экстрапирамидал бузилишларига киради. Чунки дистонияга чалинган беморларнинг 57,2%ида ва хорез билан касалланган беморларнинг 66,7%ида белгилари БМҚАЎБдан сўнг биринчи ҳафта ичида пайдо бўлган. Улардан фарқли ўлароқ, паркинсонизм аста-секин ривожланган: ҳолатларнинг 44,4%и биринчи ой ичида, 33,3%и эса бир ойдан бир йилгача бўлган даврда, 11,1%и ҳолларда инсултдан бир йил ўтгач намоён бўлган. Тремор ва БОС аксинча, кўпроқ кечки даврларда – ярим йил ёки бир йил ўтгач ривожланган, миоклонус эса фақатгина БМҚАЎБдан бир йил ва ундан кейинги вақтда кузатилган (1-расм).



1-расм. БМҚАЎБдан сўнг ЭП бузилишларининг пайдо бўлиш вақти

Инсулт тури ҳам экстрапирамидал бузилишларнинг намоён бўлиш вақтига сезиларли даражада таъсир қилган. Ишемик инсулт ҳолатида беморларнинг 88,9%ида ЭПБлар биринчи суткада, 80%ида эса биринчи ҳафта ичида рўй берган. Аксинча, геморрагик инсултда ЭПБлар биринчи суткада фақат 11,1% беморларда кузатилган бўлса, бир йил ўтгач улар 57,1% ҳолатда аниқланган.

Шу тариқа, ишемик инсултлар ЭПБларнинг эрта ривожланишига кўпроқ сабаб бўлса, геморрагик инсултларда уларнинг кечикиб намоён бўлиши кузатилди.

Паркинсонизм бўлган беморларнинг 66,7%ида, дистония бўлганларининг 50%ида, хорея ҳолатларининг 55,6%ида ва тремор билан касалланган беморларнинг 57,1%ида пўстлоқ ости ядроларининг инфарктлари аниқланган. ЭП бузилишларсиз БМҚАЎБ бўлган беморлар гуруҳида эса асосан кортикал локализация устунлик қилган (66,7%), бу эса паркинсонизм ($p=0,005$) ва дистония ($p=0,021$) бўлган беморлар билан статистик жиҳатдан фарқ қилган. Бундан ташқари, экстрапирамидал бузилишлари бўлган беморларда кўп сонли лакунар инфарктлар кўпроқ аниқланган: паркинсонизм бўлган беморларнинг 44,4%ида 4–5 та лакуна, хорея билан касалланган беморларнинг 44,4%ида эса 5 тадан ортиқ лакуна мавжуд бўлган (4-жадвал).

4-жадвал


Ўчоқли белгиларнинг БМҚАЎБда ЭПБ турига боғлиқлиги

Синдром	Васкуляр паркинсонизм	Дистония	Хорея	Тремор	БМҚАЎБ ЭПБларсиз	р
Гемипарез	5 (55,6)	6 (42,9)	4 (44,4)	7 (100,0)	25 (83,3)	0,010
Гемиянестезия	2 (22,2)	8 (57,1)	4 (44,4)	3 (42,9)	12 (40,0)	0,813
Гемиятаксия	2 (22,2)	7 (50,0)	1 (11,1)	3 (42,9)	3 (10,0)	0,039
Булбар синдром	2 (22,2)	4 (28,6)	1 (11,1)	1 (14,3)	2 (6,7)	0,559
Оғриқ синдроми	1 (11,1)	0 (0,0)	5 (55,6)	0 (0,0)	1 (3,3)	0,001

Неврологик ўчоқли белгилар ҳам экстрапирамидал бузилиш турига қараб фарқ қилган. Гемипарез тремор (100%) ва ЭП бузилишларсиз БМҚАЎБ (83,3%) бўлган беморларда кўпроқ учраган.

Васкуляр паркинсонизм ва хорейя билан касалланган беморларда эса бу кўрсаткич мос равишда 55,6% ва 44,4% ни ташкил этди ($p=0,010$). Гемиатакия эса дистония (50%) ва тремор (42,9%) бўлган беморларда устунлик қилди ($p=0,039$). Оғриқ синдроми энг яққол хорейя ҳолатида кузатилган (55,6%, $p<0,001$).

Нейровизуализация таҳлили турли экстрапирамидал бузилишлари шаклларига эга беморларда бош мия шикастланишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлади. Паркинсонизмда кўпроқ атрофия (66,7%) ва лейкомаляция (44,4%) қайд этилган. Хорейя бўлган беморларда атрофия 44,4% ҳолатда учраган бўлса, дистония ва тремор ҳолатида у анча кам – фақат 14,3% ҳолатда кузатилган. Энг кўп шикастланган зоналар қуйидагилар бўлган: паркинсонизмда 44,4% ва хорейяда 33,3% ҳолатда скорлупа, дистонияда 35,7% ва миоклонусда 50% ҳолатда таламус, треморда эса 57,1% ҳолатда миянинг ўрта структуралари (2-расм).



2-расм. ЭПБ бўлган беморларда ўчоқлар локализацияси

